

ШАРТНОМА

Самарканд шаҳар	№ <u>392</u>	2022 й. " <u>18</u> " <u>10</u>
-----------------	--------------	---------------------------------

Амалдаги Низом асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Етказиб берувчи" деб юритилувчи «Samarkand Serene Pharma» ХК номидан иш кўрувчи Нурматов А.Э. бир томондан ва амалдаги Устав асосида иш кўрувчи, кейинчалик "Харидор" деб юритилувчи «Областной детский многопрофильный медицинский центр» номидан бюджет ташкилоти раҳбари Атамурадов А Низом иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

I. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

1.1. "Етказиб берувчи" мазкур шартнома бўйича "Харидор"га ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган ҳолда Дори-дармонларни етказиб бериш. Етказиб бериладиган товарларнинг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати қуйидагича спецификацияда белгиланган:

№	Товар номи	Руйхатдаги тартиб рақами	У/б	миқдори	нархи	Умумий қиймати	ККС
1	Изотрой 100 жидкость для ингаляций по 100мл (Изофлуран)	1.1.1.	Фл	30	326 040,00	9 781 200,00	ККС сиз
Жами:				30		9 781 200,0	

II. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 9 781 200,00 (Туккиз миллион етти юз саксон бир миңг икки юз сум, 00 тийин) сўмни ташкил этади.

2.2. "Харидор" олинadиган товарлар учун амалдаги қонунчиликда кўрсатилган, яъни 30% аванс тўловини олдиндан "Етказиб берувчи" ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. "Етказиб берувчи" тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва аванс тўловидан сўнг 10 кун муддат ичида товарларни "Харидор"га етказиб беради.

2.4. "Харидор" тақдим этилган ҳужжатларга асосан қолган 70% туловни 30 кундан ортиқ бўлмаган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китоб қилади.

2.5. Етказиб берилган товарлар учун пул ўтказиш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

III. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Харидор"нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

"Етказиб берувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

"Етказиб берувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ берилadиган буюртманомага мувофиқ тегишли сифат, ассортиментдаги товарларни етказиб берилишини талаб қилиш;

Етказиб берилadиган товарлар қийматини ҳаққонийлиги «Харидор» зиммасида булади.

3.2. "Етказиб берувчи" қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга:

Етказиб берилган товарларни учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини Харидордан талаб қилиш;

Товарларни мазкур шартномага асосан "Харидор" буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда етказиб бериш.

Олинadиган товарлар нархига бюджет ташкилоти жавоб беради.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Харидор" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд товарларнинг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Етказиб берувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 3 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарларни етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда "Етказиб берувчи" "Харидор"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди,

бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб берилган товар учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Харидор" "Етказиб берувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва товар етказиб бериш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ етказиб берилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

6.3. Форс-мажор ҳолати, яъни томонларга боғлиқ булмаган ҳолатлар (ёнгин, сув тошқини шу каби енгиб булмайдиган кучлар) юз берган тақдирда мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур 9 781 200,00 сумлик шартнома «Харидор» ва «Етказиб берувчи» томонидан тасдиқланиб Сурхондарё вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармасидан руйхатдан утказилгандан кейин кучга кирилади ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8.1.Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши куршиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора я'ни ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир етмаслиги шартлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкый наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8.2. Икки томоннинг узаро ёзма келишувига асосан мазкур шартномага киритиладиган узгариш ва кушимчалар қонуний кучига эга булади. Узгариш ва кушимчалар шартномага илова қилиниши ҳам мумкин. Қилинган илова икки томоннинг муҳири ва имзоси билан тасдиқланган булиши шарт.

8.3. Бир томонлама шартномани бекор қилишга тулов шартлари бажарилмаганлиги ва маҳсулот етказиб бериш тартиблари бузилганлиги асос булади.

8.4.Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

X. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

«Етказиб берувчи»

«Харидор»

«Samarkand Serene Pharma» ХК

«Областной детский многопрофильный
медицинский центр»

Манзил: Самарканд шаҳри, 140130,
Х.Мумин кучаси 22-уй.

Тел.(90) 505-48-08, (91) 549-48-08

Х/р: 2020 8000 1004 8089 6001

Банк: АКБ "КАПИТАЛБАНК" Самарканд филиали.

МФО: 01061 СТИР: 303388392

ОКОНХ: 71212

ОКЕД: 46460

Манзил: Термиз ш. Шуграбеда 2-уч

Тел./факс: 76-22-7-10-95

Ш/Х: 100021860224017073101054002

ИНН: 200478111 ОКЭД 86100

Ҳазначилик бўлинмаси номи: Сурхондарё вилояти бўйича Ҳазначилик бошқармаси

Ҳазна х/в: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХККМ Тошкент булими

МФО : 00014

Ҳазначилик бўлинмаси СТИРи 201 22919

Раҳбар: Нурматов А.Э

Раҳбар:

М.У. (имзо)

М.У. (имзо)

В.БКТТМ озуқужушмас

Атамураёв А

Ҳ. Мураёв



Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузурдаги
Фармацевтика
тармоғини
ривожлантириш
агентлиги

№ 1725-645f-ca32-e12c-1bc6-2988-5302
Ҳужжат яратилган сана: 2020-12-04
Аризе рақами: 24735268

Ҳужжат берилган: "SAMARKAND SERENE PHARMA"
XUSUSIY KORXONASI
Қабул қилувчининг идентификация рақами: 303388392

Серия: - №: -

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги
Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги

Фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига 15758 - сонли
ЛИЦЕНЗИЯ

Ушбу лицензия "SAMARKAND SERENE PHARMA" хусусий корхонасига тайёр дори воситаларини
улгуржи реализация қилишни амалга ошириш учун берилди.

Жойлашган жой (почта манзили): Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳар, Х.Мўмин кўчаси, 22
уй..

Солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами (СТИР): 303388392
Лицензия берилган сана: 02-12-2020 йил
Амал қилиш муддати: 02-12-2025 йил
Лицензиянинг реестр бўйича тартиб рақами: 14343-20
Ваколатли шахс: С.Кариев

ZUFAROVA GULNORA XAYRULLAYEVNA

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали тўғрисидаги низомга мувофиқ шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси ҳисобланади. Электрон ҳужжатнинг нусхасида курсатилган маълумотлар туғрисидаги текшириш учун tero.dov.uz веб-сайтига ўтиш ва электрон ҳужжатнинг ноёб рақамини қаратинг сиз мобил телефон ёрдамида QR-кодни сканер қилинг. Диққат! Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ электрон ҳужжатлардаги маълумотлар конуний ҳисобланади. Давлат органларига Ягона порталда шакллантирилган электрон ҳужжатларнинг нусхаларини қабул қилишни рад этишлари қатъиян таъқиқланган.

0307



Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд шаҳар ҳокимлиги

Yuridik shaxsni davlat ro'yxatidan o'tkazish to'g'risida

GUVOHNOMA

Reestrдagi tartib raqami - 12828
2015 yil 08 iyul

№ 08050

Mazkur guvohnoma yuridik shaxs

«SAMARKAND SERENE PHARMA»

Xususiy korxonasiga berilgan

(o'zbek tilidagi to'liq nomi)

Tashkiliy-huquqiy shakli	TShSh 110
Mulkchilik shakli	MSh 114
Pochta manzili	MHOBT 1718401
Yuridik shaxs kodi	KTUT 25623400
Tarmog kodi	XXTUT 71212
Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami	STIR 303388392

Qo'shimcha ma'lumotlar:

Inspeksiya boshlig'i

S.Shodiboev

